

Андижон шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик  
субъектларида давлат хизматлари кўрсатиш “Ягона дарча”  
Марказидан 2017 йил “\_\_\_” \_\_\_\_ куни  
№ \_\_\_\_\_ реестр рақам билан

**“ҚАЙТА РЎЙҲАТГА ОЛИНДИ”**

«Марказий дехкон бозори» акциядорлик жамиятининг 2017 йил  
29 июндаги навбатдаги умумий йиғилиш қарори билан

**“ТАСДИҚЛАНДИ”**

**«Марказий дехкон бозори» очик акциядорлик жамиятининг Низомига киритилган ўзгартириш ва  
қўшимчалар матни:**

<b>Эски таҳрир</b>		<b>Янги таҳрир</b>	
<b>Жамиятининг номи, унинг жойлашган урни, Жамиятнинг юридикмакоми</b>		<b>Жамиятининг номи, унинг жойлашган урни, Жамиятнинг юридикмакоми</b>	
1.1.	Жамиятнинг номи: Андижон шаҳар «Марказий дехкон бозори» очик акциядорлик жамияти, қисқача «Марказий дехкон бозори» ОАЖ.	1.1.	Жамиятнинг номи: - «Марказий дехкон бозори» акциядорлик жамияти, қисқача «Марказий дехкон бозори» АЖ. - "Markaziy dehqon bozori" aksiyadorlik jamiyatı, қисқача номи: "Markaziy dehqon bozori" AJ - "Markaziy dehqon bozori" stock company, қисқача номи: "Markaziy dehqon bozori" SC.
1.2.	Жамиятнинг поста манзили ва юридик жойлашган урни: Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилояти, Андижон шаҳар, Фитрат 246-үй	1.2.	Жамиятнинг поста манзили ва юридик жойлашган урни: Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилояти, Андижон шаҳар, Фитрат 246-үй - Электрон почта манзили: info@andmdb.uz - Веб-сайт номи: www.andmdb.uz
1.3.	Андижон шаҳар «Марказий дехкон бозори» очик акциядорлик жамияти (бундан кейинги уринларда «Жамият» деб юритилади) Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 марта даги 171-сонли ва 1995 йил 4 декабрдаги 448-сонли карорлари асосида Андижон вилоят Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни куллаб-кувватлаш бошкармасининг 1996 йил 19 апрелдаги 559-сонли билан Андижон шаҳар Марказий дехкон бозори негизида таъсис этилган.	1.3.	«Марказий дехкон бозори» акциядорлик жамияти (бундан кейинги уринларда «Жамият» деб юритилади) Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 марта даги 171-сонли ва 1995 йил 4 декабрдаги 448-сонли карорлари асосида Андижон вилоят Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни куллаб-кувватлаш бошкармасининг 1996 йил 19 апрелдаги 559-сонли билан Андижон шаҳар Марказий дехкон бозори негизида таъсис этилган.
<b>3 МОДДА</b> <b>УСТАВ ФОНДИННИГ ХАЖМИ</b>		<b>3 МОДДА</b> <b>УСТАВ ФОНДИННИГ ХАЖМИ</b>	
3.1.	Жамиятнинг устав фонди жамият акциядорларнинг номинал қийматидан ташкил топади. Жамият томонидан чиқарилган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хилдир	3.1.	Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хилдир.
<b>4 МОДДА</b> <b>УСТАВ ФОНДИННИ ОШИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ</b>		<b>4 МОДДА</b> <b>УСТАВ ФОНДИННИ ОШИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ</b>	
4.1.	Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ошириш ёки кушимча акциялар чиқариш йули билан оширилиши мумкин.	4.1.	Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.
4.2.	Акциядорларнинг номинал қиймати ошириш йули билан Жамиятнинг мазкур уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш тугрисида карор акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан кабул килинади.	4.2.	Бекор килинди
4.3.	Кушимча акциялар жойлаштириш йули оркали Жамият устав фондини ошириш тугрисида карор акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан кабул килинади	4.3.	Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўгрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги карорлар жамиятнинг кузатув кенгаси томонидан кабул қилинади.

	4.11.	Кўшимча акциялар факат жамият уставида белгиланган, эълон килинган акцияларнинг сони доирасида жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг валими ёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари хамда шартлари белгиланган бўлиши керак. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал киймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда жамият уставида кўрсатилган, эълон килинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак
	4.12.	Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва хисобланган дивиденdlар хисобидан қонун хужжатларида белгиланган тартибида амалга оширилиши мумкин. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) унинг ўз капитали хисобидан кўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида таксимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал кийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришга йўл қўйилмайди.
<b>Чикариладиган акциялар турлари, уларнинг номинал киймати, ҳар хил турдаги акцияларнинг узаро муносабати</b>		<b>Чикариладиган акциялар турлари, уларнинг номинал киймати, ҳар хил турдаги акцияларнинг узаро муносабати</b>
5.3.	Жамият ҳар бирининг номинал киймати 500 сумдан белган 182 дона эгаси ёзилган имтиёзли ва 106330 дона эгаси ёзилган оддий акцияларни чикаради.	5.3. Жамият, жамиятнинг ваколатли органи томонидан қабул килинган қарори асосида 30 000 000 000 (ўттиз миллиард) сўмлик акцияларнинг номинал кийматидаги эгаси ёзилган оддий қўшимча эълон қилинган акциялар чиқаришга ҳақлидир.
5.5.	Эгаси ёзилган акциялар бир шахсдан иккинчига утказилиши акциялардаги утказиш ёзуви билан расмийлаштирилади. Жамият Бошкарув томонидан амалга оширилади.	5.5. Акциялар бир шахсдан иккичи шахсга ўтказилиши харакатдаги конунчиликлар билан белгиланган тартиблар асосида амалга оширилади. Акцияларга бўлган хукуклар акцияларни олувчига унинг депо хисобварагига тегишли кирим ёзуви киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун хужжатларида белгиланган тартибида бериладиган депо хисобварагидан кўчирма билан тасдиқланади. Акция билан тасдиқланадиган хукуклар уларни олувчига ушбу кимматли қоғозга бўлган хукуклар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.
5.6.	Акцияларни йукотган шахс бу тугрисида Бошкарувга акцияларнинг тартиб ракамларини курсатган холда ёзма равижда хабар килиниши керак. Бошкарув унинг хисобидан газетада эълон килади. Агарда эълон килинган кундан бошлаб олти ой ичida йукотилган гувохнома ва акциялар тугрисида хеч канака маълумот булмаса, у холда йукотилгани урнига берилган деган ёзувга эга булган янги акциялар берилади. Бу тугрисидаги тегишли ёзувлар акциядорлар реестрларига киритилади.	5.6. Акциялар эгасининг депо хисоб рақамларидан кўчирма Қимматли қоғозларга бўлган хукукларини тасдиқлайдиган, инвестиция воситачиси ва (ёки) Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан берилади.

5.7.	Жамиятнинг Акциялари янги чиарилган акцияларни сотиб олишда имтиёзли хукукларга эга. Агарда чиарилган акциялар Жамият акциялари ва ишчилари ургасида сотилмай олса, у холда сотилмай колган ушбу акциялар Фонд биржаси ёки фод магазинлари хамда инвестиция институтлари оркали эркин савдода сотилади.	5.7.	Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айрибошланадиган эмиссиявий кимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш хукукига эга. Имтиёзли хукукни кўлламаслик тўғрисидаги карор, шунингдек бундай қарорнинг амал қилиш муддати ҳақидаги карор акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этажтан овоз берувчи акциялар эгаларининг кўпчилик овози билан қабул килинади.
5.9.	Акцияларнинг икkinchi эмиссиясини таркатиш пайтида жамият молиявий хужалик йили якупнари бўйича уз фаолияти тұғрисидаги хисоботларни газеталарда биринчи чорақдан кечикирмасдан эълон килади. Хисобот эълон киллингунга кадар Жамият мустакил аудитор томонидан кечикирилиши лозим. Текширув натижаларига кура аудиторлик фирмаси томонидан тузилган расмий хулоса эълон килиниши кузда тутилган Жамият фаолияти тұғрисидаги хисоботнинг ажралмас кисми хисобланади.	5.9.	Акциядорлик жамияти кўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги кимматли қоғозлар эмиссия рисоласининг матни билан танишиб чиқиш жойи ва тартиби тўғрисидаги маълумотларни, кимматли қоғозларни жойлаштириш бошланишига камидан икки ҳафта қолганида кимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтига жойлаштириш оркали ошкор этади.
5.11.	Эгасининг номи ёзилган акциялар харакати Жамият бошқарув томонидан юритиладиган рўйхатга олиш дафтари (реестр)да кайд килинади. Дафтарга эгасининг номи ёзилган хар бир акция, акцияни сотиб олиш вакти, шунингдек, хар бир акциядордаги бундай акциядорларни сони тұғрисидаги маълумотлар киритилади.	5.11.	Бекор килинди
5.15.	Жамият уз акциядорларига тегишли булган кимматли қоғозларнинг сони, номинал қиймати ва тоифаси курсатилган акциядорлар реестрини юритади.	5.15.	Жамият акциядорларининг реестри рўйхатдан ўтказилган акциялар эгаларининг белгиланган санадаги ҳолатга кўра шакллантирилган, уларга тегишли акцияларнинг номи, сони, номинал қиймати ва тури, шунингдек реестрда рўйхатдан ўтказилган шахсларга ахборотни юбориш имкониятини берадиган маълумотлар кўрсатилган рўйхатидир. Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш кимматли қоғозлар эгаларининг депо хисобвараклари ҳолатига кўра марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Кимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.
5.18.		5.18.	Жамият акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача мазкур жамият акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларининг 50 фоизидан камроғига эгалик қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифини ўттиз кун ичидаги эълон қилиши шарт. Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни сотиши тўғрисидаги ёзма розилиги эълон килинган кундан эътиборан ўттиз кун ичидаги олинган тақдирда, жамиятнинг 50 ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни сотиб олиши шарт
5.18.		5.19.	Жамият томонидан пул маблағлари билан тўланадиган, акцияларга айрибошланадиган эмиссиявий кимматли қоғозлар ва акцияларни жойлаштирилишида- Овоз берувчи акцияларга эга акциядорлар, уларни ўзларининг ихтиёридаги акциялар сонига мутанособ равишда имтиёзли сотиб олиш хукукига эга

**ОЛИНГАН ФОЙДАНИ ТАКИМЛАШ ВА ЗАРАРЛАНИ КОПЛАШ ТАРТИБИ**

**ОЛИНГАН ФОЙДАНИ ТАКИМЛАШ ВА ЗАРАРЛАНИ КОПЛАШ ТАРТИБИ**

6.3.	<p>Акциядорларлик жамияти акциядорлари умумий йигилишнинг карори билан дивидентлар пул воситалар ёки бошка конуний тулов воситалари оркали туланиши мүкин. Дивидент акцияладорлар ургасида уларга тегишли акциялар сони ва турига караб тақсимланади.</p>			<p>Дивиденд акциядорларнинг умумий йигилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошка қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг кимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендерларни кимматли қоғозлар билан тўлашга ўйл қўйилмайди Дивиденд акциядорлар ургасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади. Дивидендерлар жамиятнинг жамият тасарруфида коладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендерлар жамиятнинг бунинг учун маҳсус мўлжалланган фондлари хисобидан ҳам тўланиши мумкин. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича хисобланган дивидендерларни олишга бўлган тенг хукукларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.</p>
6.6.	<p>Дивидентларнинг туланиши учун жамият Кузатув кенгashi дивиденд олиш хукукига эга буган шахслар руйхатини тузади. Ушбу руйхатга жамият кузатув кенгashi томонидан дивидентларни туша тутгисидаги карор кабул килинган санада камидан 30 кун олдин жамият акциядорлар реестрига киритилган акциядорлар ва акцияларнинг номинал эгалари киритилиши лозим, йиллик дивидентларни олиш хукукига эга бўлган шахслар руйхатини тузиш кунидан жамият акциядорлар ва акциядорларнинг номинал эгалари киритилади. Йича белгиланган дивидетларни туша учун етарли булган фойда мавжуд булмаса жамият ушбу акция эгаларига дивидендер туламасликка хаки йук</p>	6.6.		<p>Акциядорларга дивидендерларни тўлаш тўғрисида карор кабул килинган акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида кайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш хукукига эга.</p>
6.8.	<p>Жамият томонидан тасдикланган акциядорлар реестридан кучирма, шунингдек, акциядорлик жамияти бухгалтериясининг туланган дивидентлар суммаси ва уни хисоблаб ёзиш санаси курсатилган маълумотномаси айирбошлаш учу насос булади.</p>	6.8.		<p>Бекор килинди</p>
6.9.	<p>акциядорлар реестрида унинг ёпилиш вактида кайд килинган сармоядорлар дивидент олиш хукукига эга Акциядорлар реестри акциядорлар умумий йигилиши ўтказилишининг расмий эълон килинган санасидан 30 кун олдин ёпилади.</p>	6.9.		<p>Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш жамиятнинг топшириги асосида Марказий депозитарий томонидан амалга оширилади. Реестрнинг қайси санада шакллантирилиши реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқда кўрсатилади.</p>
<b>9 МУЛК ХИСОБГА ОЛИШ ВА ХИСОБОТ</b>		<b>9 МУЛК ХИСОБГА ОЛИШ ВА ХИСОБОТ</b>		
9.14.				<p>Жамиятнинг йиллик хисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечкитирмай жамиятнинг кузатув кенгashi томонидан дастлабки тарзда тасдикланади. Жамият Халқаро молиявий хисобот стандартларига мувофик тузилган йиллик молиявий хисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофик ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши ўтказиладиган санадан камидан иккى хафта олдин эълон килади.</p>
<b>10. ЖАМИЯТНИНГ БОШКАРУВ ОРГАНЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ</b>		<b>10. ЖАМИЯТНИНГ БОШКАРУВ ОРГАНЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ</b>		
10.1.	<p>Жамиятни унинг умумий йигилиши, Кузатув кенгashi ва ижро этувчи орган – бошкарув хайъати бошкарари.</p>	10.1.		<p>Акциядорлик жамиятини акциядорларнинг умумий йигилиши, кузатув кенгashi ва ижроия органи бошкарари.</p>
10.2.	<p>Жамиятнинг Умумий йигилиши, кузатув кенгashi ва Бошкарув хайъати жамият акциядорларининг умумий йигилиши томонидан тасдикланган ва ушбу Устави ажралмас кисми хисобланган жамияти «Умумий йигилиш тутгисида» ги Низом, «Кузатув кенгashi тутгисидаги» Низом ива «Бошкарув хайъати тутгисидаги» Низоми асосида иш олиб боради.</p>	10.2.		<p>Жамиятнинг Умумий йигилиши, кузатув кенгashi ва ижроия органи, харакатдаги қонунчиликлар, жамият акциядорларининг умумий йигилиши томонидан тасдикланган ва ушбу Устави ажралмас кисми хисобланган жамиятнинг «Умумий йигилиш тутгисида» ги, «Кузатув кенгashi тутгисида»ги ва «Ижроия органи тутгисида»ги Низомлари асосида иш олиб боради.</p>
10.1.1.		10.1.1.		<p><b>Акциядорларнинг умумий йигилиши:</b></p>

		-	Акциядорларнинг умумий йигилиши Жамиятни бошқаришнинг олий органдидир. Унда акциядорлар ёки ишончнома асосида фаолият кўрсатадиган уларнинг вакиллар катнашади. Акциядорларнинг умумий йигилишини жамият кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.
		-	Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йигилишини (акциядорларнинг умумий хисобот йигилишини) ўтказиши шарт.
		-	Умумий йигилишни кузатув кенгашининг раиси олиб боради ва унга раислик килади. Раислик қилувчи умумий йигилишни олиб бориш бўйича хужжатларни тайёрлашни таъминлади.
		-	Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишидан ташкари ўтказиладиган умумий йигилишлари навбатдан ташкари йигилишлардир.
		-	Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиши санаси ва тартиби, йигилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик вактида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.
		-	Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши жамият уставида белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (бундан бўён матнда директор деб юритилади), коллегиал ижроия органининг (бундан бўён матнда бошқарув деб юритилади) аъзолари, ишончли бошқарувчи билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор килиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек ушбу Қонун 59-моддаси биринчи кисмининг ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошиларига мувофиқ жамиятнинг йиллик хисоботи жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисботлари ва бошқа хужжатлари кўриб чиқилади.
			Акциядорлик жамияти акциядорларининг умумий йигилишини чакириш, уни ўтказиш ва унда карорлар қабул килиш харакатдаги конунчиликлар асосида амалга оширилади.
			<b>Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:</b>
		-	жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
		-	жамиятни қайта ташкил этиш;
		-	жамиятни тугатиш, тугатувчini (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
		-	жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар кўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
		-	эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
		-	жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;
		-	ўз акцияларини олиш;

		-	жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тутгатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
		-	жамиятнинг йиллик ҳисботини тасдиқлаш;
		-	жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;
		-	жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш;
		-	имтиёзли ҳукукни кўлламаслик тўғрисида карорни қабул қилиш;
		-	акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
		-	акцияларни майдалаш ва йириклиштириш;
		-	жамият томонидан йирик битимлар ва жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида карор қабул қилиш;
		-	мазкур устав ва қонун хужжатларига мувофиқ бошка масалаларни ҳал этиш.
	10.1.2.	<b>Жамият кузатув кенгаши:</b>	
			Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.
			Кузатув Кенгаши аъзолари сони умумий йиғилишда сайланган 5 (беш) нафар аъзодан иборат бўлади
			Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг микдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади.
			Жамият Кузатув Кенгаши харакатдаги конунчиликлар, мазкур устав ва акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомга асосан фаолият кўрсатади ва унинг ваколат доирасига куйидаги масалалар киради:
		-	жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
		-	акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чакириш;
		-	акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
		-	акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вакт ва жойни белгилаш;
		-	акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳакида хабар килиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
		-	мол-мulkнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
		-	корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш, агар жамият уставида бундай лавозимни жорий этиш назарда тутилган бўлса;
		-	жамиятнинг йиллик бизнес-режасини жорий йилнинг 1 декабридан кечиктиргмай тасдиқлаш;
		-	жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юкори микдорларини белгилаш;
		-	ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисботларини эшитиб бориш;

		-	жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай хужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаси зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу хужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаси ва унинг аъзолари олинган хужжатлардан факат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
		-	аудиторлик текширувани ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп микдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш, агар бу жамият уставига кўра акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилмаган бўлса;
		-	жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг микдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
		-	дивиденд микдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
		-	жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фонdlаридан фойдаланиш;
		-	жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
		-	жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
		-	конунчиликда ва ушбу Уставда кўзда тутилган холларда молмулк сотиб олиш ва уни тасарруфдан чиқариш билан боғлик йирик битимлар тузиш;
		-	конунчиликда ва ушбу Уставда кўзда тутилган холларда битимлар тузишдан манфаатдорлик бўладиган битимлар тузиш;
		-	жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлик битимларни конун хужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
		-	жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш.
		-	жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш билан боғлик ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;
		-	акцияларни жойлаштириш (кимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташкари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
		-	жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
		-	кимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
		-	жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
		-	жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, жамият бошқарув раисини тайинлаш тўғрисидаги қарор, хорижий менеджерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади;
		-	жамият ижроия органи лавозимларига чет эллик юкори малакали менежерларни жалб қилиш;
		-	узок муддатли истиқболда жамиятни ривожланиш стратегияси ва вазифаларини белгилаш ва уларни тасдиқлаш;
		-	жамиятнинг холатидан келиб чиқиб, жамиятнинг ташкилий тузилмасини белгилаш ва унга тегишли ўзгартиришлар киритиш;
		-	жамиятнинг бошқарув ходимларига хорижий мутахассисларни жориш этиш;

		-	халқаро аудит стандартлари ҳамда халқаро молиявий хисобот стандартлари асосида жамиятда аудиторлик текширувини ўтказиш маҳсус хуқукига эга аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп микдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;
		-	Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига ушбу Қонун ва жамият уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.
		-	Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.
	10.1.3.		<b>Ижроия органи:</b>
			Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик Кузатув кенгаши томонидан тайинланадиган яккабошлиқ асосидаги ижроия органи – бошқарув раиси ва коллегиал ижроия орган – Бошқарув томонидан амалга оширилади. Шунингдек, Кузатув кенгаши ижроия органи аъзоларининг ваколатлари муддатини ва унинг ваколатларининг муддатидан олдин тугатилиши масалаларини тасдиқлайди.
			Жамият ижроия органи харакатдаги конунчиликлар, мазкур устав ва акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдиқланадиган “Ижроия органи тўғрисида”ги Низомга асосан фаолият кўрсатади
			Жамият Бошқарув раисининг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йигилишининг мутлақа ваколатларига ёки кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.
			Бошқарув раиси жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан, жамият манфаатларини ифода этади, унинг номидан битимлар тузади, штатларни тасдиқлайди, жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруклар чиқаради ва кўрсатмалар беради. Жамият бошқарув раиси 1 йилга сайланади ва бу муддат Кузатув Кенгаши томонидан узайтирилиши мумкин.
			Жамият бошқарув раиси акциядорлар умумий йигилиши ва кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.
			Жамиятнинг Бошқарув раисига тўланадиган меҳнат ҳаки ва бошқа ҳаклар микдори жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлик бўлиб, жамият “Ижроия органи тўғрисидаги Низом”га мувофиқ жамият кузатув кенгаши қарорига асосан Бошқарув раиси билан тузилган шартномада белгиланади.
			Жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сийлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, жамият бошқарув раисини тайинлаш тўғрисидаги қарор, хорижий менеджерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.
			<b>Бошқарув раиси ваколатига қўйидагилар киради:</b>
		-	жамият дастурлари ва режаларига мувофиқ тарзда Жамият фаолиятини илдамлик билан бошқариш;
		-	Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукукларини химоя қилиш тўғрисида»ги Қонунида белгиланган тартибда Жамият мулкини бошқариш;
		-	ишонч қофозисиз Жамият номидан иш олиб бориш, унинг манфаатларини барча муассаса корхона ва ташкилотларда ҳам Ўзбекистон Республикаси худудида, хорижий элларда такдим ва химоя қилиш;
		-	турли хил битимлар ва бошқа хукукий ҳаракатларни амалга ошириш, ишонч қофозлари бериш, жамиятнинг хисоб ракамлари ва бошқа рақамларини банкларда очиш;

		-	ички меҳнат тартиби қоидаларини тасдиқлаш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш;
		-	жамият ходимларининг мансаби буйича фармоишларни тасдиқлаш;
		-	жамият ишчиларини ишга олиш ва ишдан бўшатиш, жамият ички меҳнат тартиби қоидаларига мувофиқ равишда ишчиларни тақдирлаш ёки жазолаш чораларини кўриш;
		-	жамият фаолиятининг молиявий хўжалик дастурини тасдиқлаш;
		-	ходимлар штатлар жадвалини тасдиқлаш;
		-	жамият ходимларини ўқитиш буйича режа тадбирларини тасдиқлаш;
		-	Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хуқукини химоя килиш тўғрисида»ги Конуни, мазкур Низом, Умумий йиғилиш қарорлари, ёллаш ҳакида меҳнат шартномасидан келиб чиккан холда бошка фаолиятларни амалга ошириш.
<b>11. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯВИЙ – ХУЖЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ КИЛИШ</b>		<b>11. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯВИЙ – ХУЖЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ КИЛИШ</b>	
11.1.	Жамият бошкарувнинг молиявий-хўжалик фаолияти Назорат килиш Тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилади. Комиссия акциядорларнинг умумий йигилишда акциядорлар орасида З кишидан иборат З йилга сайланди. Тафтиш комиссияси Бошкарув хайъати фаолиятини йилда камидан бир марта текширишга ва акциядорларнинг Умумий йигилиши Кузатув Кенгашининг топширигига кура ёки умумий йигиндиси 10 фойздан куп акцияга эга булган акциядорларнинг талабига кура ёки уз ташабусига кура текширув утказади. Бошкарув хайъати Тафтиш комиссиясига талабга кура барча материалларни, бухгалтерлик ва бошка хужжатларни тақдим этишга мажбурдир.	11.1.	Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат килиш учун жамият уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан З нафардан иборат бир йил муддатга тафтиш комиссияси (тафтишчи) сайланади. Жамият тафтишчисига ёки тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс айни бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига (тафтишчиликка) кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланishi мумкин эмас.
11.4.	Ташриф комиссияси йилик хисоботлар ва баланслар буйича хulosалар тузади. Хulosаларсиз Умумий йигилиш балансни тасдиқлашга хакли эмас.	11.4.	Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) хulosса тузади, бу хulosada:
		-	жамиятнинг хисоботларида ва бошқа молиявий хужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;
		-	бухгалтерия хисобини юритиш ва молиявий хисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда конун хужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.
11.7.		11.7.	Тафтиш комиссияси (тафтишчи) жамиядада аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек конун хужжатларининг ва жамият ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя килиниши тўғрисидаги хulosани ҳар чоракда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади.
11.1.1.		11.1.1.	<b>Ички аудит хизмати</b>
			Жамият активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳаки микдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган тақдирда жамиядада ички аудит хизматини ташкил этади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

			Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан конун хужжатларига, жамият уставига ва бошқа хужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлик ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган коидалари ва тартибатоимилларига риоя этилишини, активларнинг сакланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан конун хужжатларидаги белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш оркали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қиласи ҳамда баҳолайди.
			Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини, agar конунда ўзгача коида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.
	<b>ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИКЛА ТАРТИБИ</b>		<b>ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИКЛА ТАРТИБИ</b>
13.1.	Акциядорлар умумий йигилишига хавола этиладиган жамият йиллик ҳисботи, бухгалтерлик баланси, фойда ва зарар ҳисоб ракамларидаги маълумотларнинг тугрилиги жамиятнинг тафтиш комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.	13.1.	Жамиятнинг молиявий ҳисботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йигилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварагидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкий манфаатлари жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.
13.4.	Жамиятнинг йиллик ҳисботи кузатув кенгаш томонидан акциядорлар йиллик умумий йигилишини утказиш санасига камида 30 кун колганда олдиндан тасдиқланиши лозим.	13.4.	Жамиятнинг йиллик ҳисботи акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгashi томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.
13.6.		13.6.	Жамият Халкаро молиявий ҳисбот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисботни у Халкаро аудит стандартларига мувофиқ ташки аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон килиши шарт.

**"Марказий дехқон бозори" акциядорлик жамияти  
бошқарув раиси**

**М.Умаров**